



Tashkent State University of Economics

# JOURNAL OF INTERNATIONAL FINANCE AND ACCOUNTING

ISSN  
2181-1016



## ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ХУДУДЛАРНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ.

**Намозов Олим Ботирович**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

*"Иқтисодиёт назарияси" кафедраси ўқитувчиси*

Email: [olimnamozov260628@gmail.com](mailto:olimnamozov260628@gmail.com)

ORCID: 0000-0001-9934-5743

## THE ROLE OF INVESTMENTS IN THE DEVELOPMENT OF FREE ECONOMIC ZONES IN UZBEKISTAN.

**Namozov Olim Botirovich**

*PhD, Lecturer of the Department of "Economic theory"*

*Tashkent state university of economics,*

*Tashkent, Uzbekistan.*

Email: [olimnamozov260628@gmail.com](mailto:olimnamozov260628@gmail.com)

ORCID: 0000-0001-9934-5743

**Аннотация:** Мақолада мамлакатни ижтимоий иқтисодий юксалиш учун асосий омил ҳисобланган эркин иқтисодий зоналар, уларнинг жозибadorлиги ва уни баҳолаш мезонлари зарурлигини назарий асослари ёритилган. Бу ўз навбатида ҳар бир вилоятни ўзининг минерал ва ресурс бойликларидан келиб чиққан ҳолда, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантиришни талаб қилинади. Айниқса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, экспорт салоҳиятини ошириш диверсификацион сиёсатни кучайтириш минтақалар иқтисодиётини барқарорлигини ва мамлакатимиздаги ҳозирги ҳолати ёритиб берилган.

**Калим сўзлар:** инвестиция, инвестицион жозибadorлик, ҳаракатлар стратегияси, салоҳият, бозор конъюктураси, стратегик дастур, иқтисодий зона, саноат зона.

**Abstract:** The article outlines the theoretical basis for the need for free economic zones, as the most important factor in the country's socioeconomic growth, and their attractiveness and evaluation criteria. In turn, this requires

that each region locates and develops productive forces based on its mineral and resource wealth. The author emphasizes the strengthening of the policy of diversification of small business and private entrepreneurship, an increase in export potential and the current state of the economy in the regions.

**Key words:** investment, investment attractiveness, action strategy, potential, market conjuncture, strategic program, economic zone, industrial zone.

**Қириш.** Мамлакатимизда эркин иқтисодий ҳудудларни (ЭИХ) маҳаллий минерал-хомашё ресурсларни чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматга эга рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий корхоналар ташкил этиш, республика ҳудудларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланиш, шу аснода янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини ошириш учун хорижий, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг муҳим омили сифатида

ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув жараёнларининг чуқурлашуви шароитида хорижий инвестицияларни жалб этиш мамлакатлар иқтисодий тараққиётини таъминловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Айниқса, капитал, замонавий технологиялар ва бошқарув тажрибасини жалб этиш орқали миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишда эркин иқтисодий ҳудудлар (ЭИХ) муҳим институционал механизм сифатида намоён бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек, «хорижий инвестицияларни жалб этиш учун очиқ, адолатли ва барқарор инвестиция муҳитини яратиш давлат сиёсатида устувор вазифа ҳисобланади[1].

Эркин иқтисодий ҳудудларни ҳудудий – хўжалик жиҳатдан ҳам қадимий, айтишимиз мумкин. Америкаликлар олимлар М.Фразье ва Р.Реналарнинг фикрича, ЭИХлар бу – иқтисодиёт ривожланиши йўлидаги одамзоднинг энг қадимги ва худди шу пайтнинг ўзида энг янги ғоясидир[5]. Дарҳақиқат уларнинг илдизи қадим

ўтмишга бориб тақалади, яҳни 2000 йиллар муқаддам, эрамиздан аввалги 166 йилда грек давлати Делосда биринчи маротаба ҳужжат асосида, савдони егиллаштириш мақсадида ЭИХ ташкил қилдилар[6]. Бу ЭИХ шарқ ва ғарб ўртасидаги савдо алоқаларини бирлаштирувчи вазифани бажарган. У ердаги сақдогарлар солиқлардан, божлардан ва маъмурий расмиятчиликлардан озод этилган.

Илк бор ЭИХлар дарё бўйидаги йирик портларда жойлашган ҳудудларда, темир йўл кесишмалари, аэропортлар ёки уларга тегишли бўлган ҳудудларда ташкил этилган. Улар хориж маҳсулотларини олиб кириш, олиб чиқишда эркин бўлган, бож тўловларидан озод этилган, мамлакатнинг божхона ҳудудидан ажратиб олинган макорлардир.

**Материал ва метод.** Иқтисодий адабиётларда ЭИХларга турли хил таъриф берилган. Бироқ, на хорижий адабиётларда, на маҳаллий адабиётларда ЭИХнинг кўпчилик томонидан қабул қилинган умумий белгилари ёки кўрсаткичлари ишлаб чиқилмаган ҳолда турлича таърифлар берилган.

**1-жадвал.**

**Эркин иқтисодий ҳудудларнинг мазмун-моҳияти**

А.Кузнецов	Анъанавий маънода ЭИХ деганда, давлатнинг суверен ҳудуди тушунилиб, у ердаги хорижий товарлар ҳеч қандай божхона тўловларисиз сақланиши, сотилиши ёки харид қилиниши мумкин.	Эркин савдо ҳудудларига урғу берилган.
Рыбаков С.А., Орлова Н.А.	ЭИХ бу – маълум бир давлат ҳудуднинг шундай қисмики, унга олиб кирилган товарлар божхона ҳудудидан ташқаридаги товар сифатида қаралиб, у божхона текширувидан ва солиқлардан озод этилади.	
Ваҳобов А.В.	ЭИХ – мамлакат ҳудудининг имтиёзли божхона, валюта, солиқ, виза ва меҳнат режимлари жорий этилган махсус ажратилган қисмидир.	Имтиёзларга урғу берилган.
Н.В. Игошин	ЭИХ миллий – иқтисодий тизимнинг шундай қисмики, у ерда мамлакатнинг бошқа	

	худудларида амал қилмайдиган махсус имтиёз ва рағбатлантиришлардан фойдаланилади, уларнинг моҳияти эса, имтиёзли божхона ва солиқ тизимларида кўзга ташланади.	
Т.П. Данько, З.М. Окрутлар	ЭИХ иқтисодиётнинг давлат томонидан сунъий тарзда таркибида бўлган, айти пайтда иқтисодий жихатдан тубдан фарқ қиладиган алоҳида организмидир.	Ҳуқуқий жиҳатига урғу берилган.

В. Игнатов ва В. Булатовлар ЭИХга янада кенгроқ таъриф берадилар. Уларнинг фикрича, “ЭИХ – бу маҳаллий ҳамда хорижий тадбиркорлар фаолият юритиши учун махсус имтиёзли иқтисодиёт амал қиладиган чегараланган худуд, шаҳар ёки денгиз ва авиация портларидин”[7].

1973 йилнинг 18 майида Япониянинг Киото шаҳрида бўлиб ўтган конференцияда ЭИХ тушунчасига расман изоҳ берилган. Унда қайд этилишича, “ЭИХ бу – маълум бир давлат худудининг шундай қисмики, унга олиб кирилган товарлар божхона худудидан ташқаридаги товар сифатида қаралиб, у божхона текширувидаг ва солиқлардан озод этилади”[8].

Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонунига кўра: “Эркин иқтисодий зона – минтақани жадал ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталлини, истикболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузиладиган, аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида ҳуқуқий тартиботи бўлган махсус ажратилган худуд”дир[2].

Бизнинг фикримизча, мамлакат худудида махсус иқтисодий режим ва маъмурий бошқарувга эга бўлган, давлат аралашуви камайтирилган ва айти вақтда унинг назоратидан буткул озод этилмаган, балки хўжалик юритувчи

субъектлар фаолият юритиши учун мамлакатнинг бошқа худудларида амал қилмайдиган имтиёз ва рағбатлантиришлар бериладаган худуд – ЭИХ деб тушунилади.

ЭИХларни ташкил этиш ва уларга инвестицияларни жалб қилиш бир қатор долзарб муаммога эга иқтисодий масалаларни оптимал вариант, самарали йўл ҳамда қулай воситалар ёрдамида ечишга, стратегик дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган бўлади. Ўз худудида ЭИХни ташкил қиладиган давлат учун ЭИХлар пировард ҳисобланмайди. Кўп ҳоллард, ЭИХлар мамлакат миллий иқтисодиёти ривожланишининг умумий стратегиясига қўшилиб кетади. ЭИХни ташкил қилишдан умумий мақсад ижтимоий – иқтисодий аҳамиятга эга бўлган макроиқтисодий масалалар ечимига қаратилган бўлади. Жумладан:

- иқтисодий ўсиш даражасини тезлаштиради;
- саноатни янгилаш ва замонавийлаштириш;
- ишлаб чиқаришда экспортни ошириш;
- иш билан бандлик даражасини ошириш;
- ЭИХда ишлаб чиқаришнинг янги методларини қўллаш бўйича полигонга айлантириш ва миллий хўжалик ўсишига эришиш;

- ички бозорни юқори сифатли маҳсулотлар ва хизматлар билан тўйинтириш ва ҳ.к.

**Натижалар:** Жаҳон тажрибаси ва амалиётида ҳар бир мамлакатнинг ўз миллий иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича ўзига хос тажриба ва анъаналари мавжуд. Ҳозирда ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиёти тараққий этишига асос бўлган усуллардан бири бу мамлакатда маълум бир ҳудудни ёки бутун бир кичик мамлакатлар ўз иқтисодиётини эркин иқтисодий зонага айлантириб ривожланиш сари қадам қўйганлар.

Эркин иқтисодий зоналарни асосан муайян бир давлатнинг маълум бир минтақаси ёки алоҳида бир ҳудудида ташкил этиш иқтисодий жиҳатдан самарали ҳисобланади. Аммо ҳудуди ва маъмурий бошқарув тизими унча катта бўлмаган алоҳида давлатларнинг бутун иқтисодиёти эркин иқтисодий зоналарга айлантирилган ҳоллар ҳам учраб туради. Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишдан асосий мақсад қисқа муддатларда мамлакатни ривожланган жаҳон ҳамжамияти аъзолари қаторига қўшиш ва хорижий инвестицияларни жалб этишни тезлаштиришдан иборат.

Ушбу зоналарнинг ташкилий тузилиши ва номланиши турлича бўлсада, уларни ташкил этишдан асосий мақсад имкон қадар хорижий инвестицияларни, замонавий техника ва технологияларни жалб қилиш ҳисобига мавжуд иқтисодий, молиявий ва ижтимоий муаммоларни бартараф этиш ва жаҳондаги ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олиш орқали аҳоли турмуш даражасини яхшилашдир.

Уш даражасини яхшилашдир. Ўзбекистон Республикасида эркин иқтисодий маконларни ташкил этиш ва ривожлантиришга бевосита жавоб

берадиган ва кафолатлайдиган меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш ва иқтисодиётга жорий этиш 1995 йилда бошланди. 1995 йил 30 августда «Концессия тўғрисида»ги, 1996 йил 25 апрелда «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги, 1996 йил 29 августда «Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди ва иқтисодиётга жорий этилди. Мазкур қонунларнинг қабул қилиниши хорижий инвестицияларнинг иқтисодиётимизга кириб келишига инвестициялар ҳажмининг йилдан-йилга ошиб боришига ижобий таъсир кўрсатди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 23 та эркин иқтисодий ва 348 та кичик саноат зонаси фаолият юритаётган бўлиб, уларда умумий қиймати 2,6 миллиард долларлик 453 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида 36 мингга яқин иш ўрни яратилган. Кичик саноат зоналарида эса 5 триллион сўмлик 1 минг 497 та лойиҳа ишга туширилиб, 36 мингдан зиёд кишининг бандлиги таъминланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.10.2016 йилдаги ПФ-4853-сон Фармонида эркин иқтисодий зоналар (кейинги ўринларда – ЭИЗ) иштирокчи корхоналари қуйидагилардан:

ер солиғи, даромад солиғи, юридик шахслар мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмаларидан;

бўшаб қоладиган маблағларни янги корхоналарни ташкил этиш, шунингдек, мавжуд ишлаб чиқаришларни модернизациялаш, реконструкция қилиш ва техник, технологик қайта жиҳозлаш, кенгайтириш, ишлаб чиқариш биноларини қуриш, ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур хом ашё ва материаллар харид қилишга мақсадли йўналтирган ҳолда ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган ускуналар, хом ашё, материаллар ҳамда бутловчи буюмларни, маҳсулот экспорт қилинганда вужудга келадиган қўшилган қиймат солиғининг манфий суммаси қайтарилмаслиги ҳуқуқи билан божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари);

мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган ва лойиҳаларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУКнинг товарлар рўйхатини комплекс экспертиза қилиш натижалари бўйича ижобий хулосаси бўлган тақдирда четдан келтириладиган қурилиш материалларини божхона тўловларидан (божхонада расмийлаштириш йиғимлари бундан мустасно);

ИЭЗда имтиёзлар киритилган инвестициялар ҳажмига қараб 3 йилдан 10 йил муддатгача, жумладан:

300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар — 3 йил муддатга;

3 миллион АҚШ долларидан 5 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар — 5 йил муддатга;

5 миллион АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар — 7 йил муддатга;

10 миллион ва ундан кўп АҚШ dollari ҳажмидаги инвестициялар сўнгги 5 йилда амалдаги ставкалардан 50 фоиз кам ҳажмдаги даромад солиғи ва ягона солиқ тўлови ставкалари қўлланган ҳолда — 10 йил муддатга берилади.

ЭИЗда иштирок этаётган корхоналар эркин иқтисодий зоналар фаолияти давомида экспортга йўналтириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун олиб келинадиган хом ашё, материал ва бутловчи буюмлар учун божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилади.

Давлат эркин иқтисодий зоналарнинг қатнашчиларининг муҳнадислик-коммуникация тармоқларга, уларни ишлаб чиқариш майдончаларига ўз вақтида туташтирган ҳолда, кафолатли уланишини таъминлайди.

**Мунозара:** Давлатимиз раҳбарининг «Маҳсул иқтисодий ва кичик саноат зоналари муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори эркин иқтисодий зоналар ҳудудида инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ишга туширишга тўсқинлик қилаётган муаммоларнинг ечимига қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Унга мувофиқ, жорий йилда эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари инфратузилмасини яхшилаш учун 1 триллион 600 миллиард сўм маблағ ажратилиши белгиланди. Эндиликда 17 та эркин иқтисодий зонада қўшимча электр энергияси, газ, ичимлик суви ва оқова сув тармоқлари ҳамда автомобиль йўлларини барпо этиш учун 584 миллиард сўм, 145 та кичик саноат

зонаси учун 395 миллиард сўм йўналтирилади.

Айтиш керакки, саноатни инновацион асосда ташкиллаштириш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси, илмий-технологик ҳамда инновацион тадбиркорликни барқарор ривожлантириш бугунги куннинг устувор вазифасидир. Бу борада юқори технологияли ишлаб чиқаришлар, ноухауларни ўзлаштириш, корхоналарда инновацияларнинг жорий қилиниши, технологиялар трансферини таъминлаш учун технополислар, технопарклар каби эркин иқтисодий ҳудудлар ва илмий-ишлаб чиқариш кластерларининг барпо қилинишига йўналтирилган қонунчиликни яратиш ва тегишли чоратадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Йирик инвестиция лойиҳаларини инфратузилма билан таъминлаш мақсадида 232 миллиард сўм кўзда тутилгани, ривожланишдан ортда қолган 33 та туманда саноат ва бизнесни жадал ривожлантириш учун 264 миллиард сўм ажратилиши айтиш мумкин бўлди.

Бу соҳада Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги[3] фармони мувофиқ:

- эркин иқтисодий зоналарни янада ривожлантириш учун тартибтаомилларни соддалаштириш, инвестор ва тадбиркорларни жалб этишни кенгайтириш;

- эркин иқтисодий зоналарда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш, хориждан юқори технологик ускуналар харид қилиш;

- кичик саноат зоналарининг сармояларни жалб қилиш,

тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли фаровонлигини ошириш;

- эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини электр энергияси, табиий газ, сув ва бошқа коммуникация тармоқлари билан барқарор таъминлаш каби вазифалар белгилаб берилди.

Фармонда келтирилган устувор вазифаларнинг бажарилиши ва уни танқидий таҳлил асосида ўрганиш мақсадида "Мамлакатимиздаги эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги таҳлиliga бағишланган йиғилиш"[4] да "...тегишли вазирлик, идора ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бу соҳадаги фаолиятини танқид қилиб, уларда ташаббускорлик етишмаслиги, эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш бўйича ишларни ташкил қилиш даражаси сустлигини" таъкидладилар. Бу эса ўз навбатида соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар назоратини кучайтириш ва белгиланган вазифаларни ўз вақтида амалга ошириш лозимлигини белгилаб беради.

**Хулоса.** Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, эркин иқтисодий зоналар ташкил этилиши оқибатида мамлакатга кўплаб инвестицияларни оқиб келишини кузатишимиз мумкин. мамлакат ташкил иқтисодий фаолияти янада ривожланиб, ташқи савдо, экспорт импорт операциялари янада риволанади. Бу эса мамлакат иқтисодиётини янада барқарорлаштириб, уни ривожланишига олиб келади.

Бунинг учун авваламбор, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишда ҳудудларни, муҳандислик-коммуникация,

йўл-транспорт ва жойлашув  
манзилени тўғри танлаш;

худудлар имкониятидан келиб  
чиққан ҳолда эркин иқтисодий зоналар  
фаолияти йўналишини ва истиқболени  
аниқлаш;

эркин иқтисодий зоналарда кластер  
ёндашувлардан кенг фойдаланган ҳолда  
зоналар иштирокчилари ўртасида яқин  
кооперация алоқаларени йўлга қўйиш;

чет элда ва мамлакат  
ваколатхоналарида эркин иқтисодий  
зоналар манфаатларени кўзловчи,  
инвесторларни жалб этиш учун  
информацион реклама тадбирларени  
ўтказиш;

оммавий ахборот воситалари ва  
интернет саҳифаларида мамлакатда  
ташкил этилган эркин иқтисодий зоналар  
имкониятлари ҳамда салоҳияти бўйича  
жозибадорлигини ифодаловчи  
рекламаларни кучайтириш”

эркин иқтисодий зоналар  
фаолиятени фаоллаштириш ва уларнинг  
самарадорлигини баҳолашда юқорида  
келтирилган баҳолаш мезонлари бўйича  
аниқлаш каби чора-тадбирларни ишлаб  
чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Эркин иқтисодий зоналарнинг  
ташкил этилиши натижасида мамлакат  
иқтисодиётени ривожланиши, экспорт  
салоҳиятени ошиши, аҳоли бандлигини  
таъминлаш, аҳоли турмуш  
фаровонлигини равнақи ва иқтисодиёт  
барқарорлиги, энг асосийси жаҳон  
ҳамжамиятига интеграциялашиб ўз  
мавқеига эга бўлишига олиб келади.



## Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг инвестиция сиёсатига оид чиқишлари. – 2022 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг 25.02.1996 йилдаги 220-І сонли “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонуни. 1-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–4853-сонли Фармони 26.10.2016 й. Lex. Uz
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Мамлакатимиздаги эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги таҳлили”га бағишланган йиғилишдаги маърузаси 9.10.2017 й.
5. Зименков Р.И. Свободные экономические зоны. Учеб. Пособие для ВУЗов Москва: «Юнити-Дана», 2005. С 5.
6. Рыбаков С.А. Орлова Н.А. Особые экономические зоны в России. Москва: «Вершина», 2006. С 18.
7. Игнатов В.Г. Бутов В.И. Свободные экономические зоны. Москва: Ось-89, 1997. С 192.
8. Рыбаков С.А. Орлова Н.А. Особые экономические зоны в России. Москва: Вершина, 2006. С 12.